



Иш берувчининг
фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
Қоидаларига
2-ИЛОВА

Суғурталовчига «Ўзагросуғурта» АЖ
(суғурталовчининг номи)

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий
суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисида
АРИЗА**

Иш берувчи “ Қирғоқларни химоялаш дамабалари ва ўзанларни ростлаш иноатлари бошқармаси” Низом асосида ҳаракат қилувчи **Алимов.Э** орқали Сиздан Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларида назарда тутилган шартларда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузишни сўрайди.

1. Иш берувчининг реквизитлари:

почта манзили: **Беруний тумани**

телефон: _____ факс: _____ e-mail: _____

ариза берувчи-жисмоний шахсининг

20__ йил «__» _____ да _____ берилган.

паспорти: серияси _____ номери _____

2. Иш берувчининг банк реквизитлари:

банкнинг номи: _____

ҳисоб рақами

хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО _____

СТИР 200377514

3. ХХТУТ (Халқ хўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифи)га мувофиқ иш берувчи амалга оширадиган фаолият тури (турлари) 61132

(тармоқнинг коди ва номи)

4. Барча ходимларнинг йиллик иш ҳақи суммаси **2 158 063 576 (Икки миллиард бир юз эллик саккиз миллион олти миш уч минг беш юз етмиш олти) сўм**

5. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш

шартномасининг муддати 365 кун

6. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) _____;

б) _____;

7. Аризада келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз.

Алимов.Э

(Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)



(имзо)

20__ йил «__» _____

8. Ариза **Халбаев Умарбек** томонидан қабул қилинган ва

(суғурталовчи-ходимининг лавозими ва Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____ да дафтарда 1057 рақами билан рўйхатдан тказилган.



Иш берувчининг
фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
Қоидаларига
1-ИЛОВА

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ
14-02/05811001057-сон**

Беруний шахри

2022 йил «10» декабрь

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган “ Қирғоқларни химоялаш дамабалари ва ўзанларни – ростлаш иноатлари бошқармаси” Низом асосида ҳаракат қиладиган Алимов Эрмухаммад, бир томонданва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2015йил 3-июль да берилган 00202-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган «Ўзагросуғурта» АЖ Қорақолпоғистон Республикаси Беруний суғурта маркази Бош Ишончнома асосида ҳаракат қиладиган Халбаев.У орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартноманинг предмети

1.Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24-июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Суғурта пули ва суғурта мукофоти

2. Суғурта пули ушбу шартнома бўйича 2 158 063 576 (Икки миллиард бир юз эллик саккиз миллион олтмиш уч минг беш юз етмиш олти) сўмни,

шу жумладан дафн этиш харажатлари ходим вафот этган кундаги ЎЗР энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида ташкил қилади

3. Суғурта мукофоти ушбу шартнома бўйича 7 400 000 (Етти миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил қилади

4. Суғурта мукофоти ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб беш иш куни мобайнида бир йўла тўланади.

3. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

5. Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради ва 31.02.2022 мобайнида амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охири санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.



6. Суғурта мукофоти иш берувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига нақд пулни ўтказиш ёки киритиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайганда суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Иш берувчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилик даражаси ўзгарган пайдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда суғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган суғурта мукофотини тўлаши;

ҳодимларни мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мажбурий суғурта шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

суғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф олувчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни ичида тақдим этиши;

суғурталовчини ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганлиги тўғрисида ўзига маълум бўлган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида ёзма шаклда хабардор қилиши;

агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан қилинган суиистеъмолликлар оқибатида асоссиз равишда тўланган бўлса, ортиқча тўланган суғурта товони ҳақида суғурталовчига хабар қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши шарт.

Иш берувчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

9. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

суғурта мукофотини аниқлаш учун суғурта хавфини баҳолаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан



кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 34-бандида назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

11. Томонлар мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

12. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Яқуний қоидалар

13. Ушбу шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва муддатидан олдин тўхтатиш тартиби суғурта бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби, ушбу шартнома бўйича кўрилган зарар миқдорини аниқлаш ва суғурта товонини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган, ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланадиган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ белгиланади.

8. Томонларнинг реквизитлари:

Суғурталовчи «Ўзагросуғурта» АЖ

Манзили: Х.Дўстлиги к-си №12 уй

тел: 524-28-06 факс: 524-35-53

х/р 20216000000383813015

МФО 00584 СТИР: 200949782

Халбаев.У

(Ф.И.О., лавозими)

Иш берувчи: КХД ва ЎРИБ

Манзили: Ғ.Авезалиев пр

тел: _____ факс: _____

ШВХ: 1000218603220730424213001

ХХТУТ 61132 СТИР: 200377514

Ўз.Р Моли я Вазир.Ғазначилиги

х/р: - 23402 000300100001010

Банк.МБББ ХККМ Тошкент шаҳри

МФО: -00014 СТИР: 201122919



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини олдим.

(ИМЗО)

Алимов.Э
(Иш берувчи ваколатли шахсининг Ф.И.О.)

КИРГОН ХИМБОЛЛОВЧИ ТОВАЛАР ВА УЗАН РОСТЛОВЧИ
ИШСОТЛАР БОШҚАРМА ҚУРСИ ЮРИСТКОНСУЛТИ
ТОМОНИДАН
ҚУЛОСА
Мен ушбу шартнома шартлари амалдаги
Ушбу шартнома шартлари амалдаги
Қонун ҳужжатлари фаолиятининг
шартлари билан ҳар қандай бўлса тўғридаги
қонун ҳужжатлари билан тўғридаги
қонун ҳужжатлари билан тўғридаги
қонун ҳужжатлари билан тўғридаги
қонун ҳужжатлари билан тўғридаги
Қонун ҳужжатлари билан тўғридаги
Қонун ҳужжатлари билан тўғридаги
10. Алимов 2015